


Ishonch

2019 йил 20 июнь • пайшанба • № 75 (4204)

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Фахрийлар эл ардоғида

Эъзоздан кўнгиллар юксалмоқда



Зоминнинг пурвиқор тоғлари бағридаги гўзал масканда «Навоий кон-металлургия комбинати» томонидан яқиндагина бунёд этилган санаторийда юртимизнинг барча ҳудудларидан келган бир гуруҳ фахрийлар дам олишни бошлади.



Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» асарини барчамиз ўқиганмиз. Ушанда асар қаҳрамонларидан бири Ориф оқсоқол «Инсон ўзи у эшикдан кириб, бу эшикдан чиққунча бўлган ораликда яшайди, шунда ҳам бировнинг умр биносидан ғишт ўғрилаб вайрон қилади», дейди армон билан. Уруш бошлайдиган, низо қўзғайдиган каслар ана шундай ғишт ўғрилари. Миллион-миллионларни қон қақшатган Биринчи, Иккинчи жаҳон урушлари камлик қилгандек, айни вақтда Сурияда кечаётган уруш ҳамон инсоният биносини вайрон қилишда давом этмоқда.

Киши ўз юртидагина юксалади

Чиндан-да Иккинчи жаҳон уруши даҳшатлари, у синдирган тақдирлар аччиғи ҳали кетгани йўқ. Нима бўлса ҳам, тинч бўлайлик, дея титраб дуога кўтарилган кўллар жанг-у жадаллар етказган озорлар ҳали битмагани, битиши учун 74 йил кифоя қилмаслигига шохидлик беради.

Шу боис давлатимиз раҳбари Суриянинг қуролли можаролар бўлаётган ҳудудидан 156 ватандошларимизни – аёллар ва болаларни олиб келтиргани кўнгилларни тўлдирди. Сирқираб турган жароҳатга малҳам босилди. Уларни юртга олиб келиш мураккаб, бир неча давлат аралашуви ва келишувларини, муайян шартларни бажаришни талаб қилувчи жараён бўлганини ҳаммамиз яхши биламиз. Афсуски, Суриядан олиб келинганларнинг турмуш ўртоқлари, оталари бегона юртда шарафсиз ва мантисиз ўлим топган. Қайтарилганларнинг барчаси реабилитациядан ўтказилиб, туғилган гўшаларига юборилди. Энди улар ўз уйи, жигарлари кучоғида яшашмоқда. Аёлларни иш билан таъминлаш, болаларни мактаб-у боғчаларга жойлаш ҳал этиляпти. Уларнинг аксарияти билиб-билмай хато қилган, деяпти. Минг афсуски, билиб қилганлар, пулга учиб кетганлар ҳам бор. Суриядида қирғинбарот жанглр, сувдай оққан қонлар уларни юрт қадрига етишга ундади, кўзларини очди. Ягона талаб – Ўзбекистон фарзанди деган ном ва билдирилган юксак ишончини оқлашлари керак. Чунки имкон бир марта берилди, хиёнат бошқа кечирилмайди.



Тузалиш йўлига қатъий ўтган 575 нафар фуқарони афв этиш ҳақида фармон чиқарилгани ҳам давлат ўз фуқароларини ҳеч қачон ташлаб қўймаслигига, ҳар қандай ҳолатда ҳам юртда шарафсиз ва мантисиз ўлим топган. Қайтарилганларнинг барчаси реабилитациядан ўтказилиб, туғилган гўшаларига юборилди. Энди улар ўз уйи, жигарлари кучоғида яшашмоқда. Аёлларни иш билан таъминлаш, болаларни мактаб-у боғчаларга жойлаш ҳал этиляпти. Уларнинг аксарияти билиб-билмай хато қилган, деяпти. Минг афсуски, билиб қилганлар, пулга учиб кетганлар ҳам бор. Суриядида қирғинбарот жанглр, сувдай оққан қонлар уларни юрт қадрига етишга ундади, кўзларини очди. Ягона талаб – Ўзбекистон фарзанди деган ном ва билдирилган юксак ишончини оқлашлари керак. Чунки имкон бир марта берилди, хиёнат бошқа кечирилмайди.

Ҳасан НОРМУРДОВ,
Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими раиси

Эл дарди билан ёниб...

Ўзбекистон Республикаси Президентини топшириғига биноан ташкил этилган Жамоатчилик комиссиясининг Миробод туманидаги навбатдаги учрашуви «Миробод», «Янги Миробод», «Байналмилал», «Темирйўлчилар», «Заминобод», «Биродарлик», «Наврўз», «Истиқлолобод», «Тонг Юлдузи», «Иноқобод», «Чинор», «Толариқ», «Юксалиш», «Зиёнур», «Билимдон», «Парвона», «Баёт», «Баратхўжа», «Янги Қўйлиқ», «Қўйлиқ ота» маҳаллалари фаоллари билан бўлиб ўтди.

Миробод обод бўлади

Мулоқот аввалида комиссия раҳбари, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиков мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатидаги ижобий ўзгаришлар, улкан бунёдкорлик ишлари, олиб кирилатган салмоқли инвестициялар, янги иш ўринлари ташкил этиш, узок йиллардан буён ҳал қилинмай келинган конвертация масаласининг ечилиши, ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, тиббиёт ва таълим тизимини жиддий ислоҳ қилиш, ўқитувчиларнинг ойлик маошлари, шароитларини тубдан яхшилаш, мактабгача таълим тизимининг янгидан ташкил этилиши, «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» давлат дастурларининг қабул қилиниши, ночор оилаларга кўрсатилаётган мисли кўрилмаган ғамхўрлик, пенсионерларга кўрсатилаётган эътибор, ишловчи пенсионерларнинг ойлик маош ва пенсиялари тўлиқ берилиши каби кўплаб тарихий, илгари кузатилмаган ислохот ва янгиларга тўхталиб ўтар экан, жумладан, шундай деди:

– Давлатимиз раҳбари нега айнан Тошкент шаҳри туманларига бир эмас, қайта-қайта шахсан ташир буюраётми? Раҳбарларни тўплаб, уларда бир қатор муҳим масалалар юзасидан топшириқлар бериляпти? Нега? Назаримда, Президентимиз Тошкентнинг дунёдаги энг широк, энг гўзал, аҳоли яшаши учун энг қулай шароитларга эга бўлган, бутун дунё ҳавас қиладиган шаҳарга айлантиришни ният қилган. Боиси, Тошкент нафақат Ўзбекистоннинг пойтахти, у Ислам оламида ҳам, Марказий Осиёда ҳам гавҳар шаҳар, ҳаммага ўрнатилган, гўзал ва бетакрор макондир.

Шу маънода Миробод тумани пойтахт ривожига, унинг тараққиётида марказий ўринни эгаллаши зарур ва шартдир. Ҳўш, туманда бунга етарли салоҳият борми? Албатта, бор!

Фақат ҳамжиҳатлик, давлат раҳбари атрофида жиқлашиш, бир ёқадан бош чиқариш, юртга садоқат керак! Юрган йўлимизда учраётган воқеа-ҳодисаларга берадиган бўлайлик, зеро, юртимиз фаровонлиги, давлатнинг тараққиёти унинг ҳар бир фуқаросига ҳам боғлиқ.

Шундай экан, туман ва шаҳар мутасаддилари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва маҳалла оқсоқоллари ҳамда фаолларидан ушбу ташаббус ва кенг қўллаш ислохотларда янада фаол иштирок этишларини сўрайман.

2

Халқаро ҳамкорлик

Эзгу мақсадлар бирдамликда рўёбга чиқади

Тошкент шаҳрида Савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касабаси уюшмаси Халқаро Конфедерациясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Халқаро Конфедерация ва Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгашининг ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик тўғрисида Келишувига асосан ташкил этилган мазкур анжуманда ташкилотга аъзо 8 та мамлакат тармоқ касабаси уюшмалари Федерацияси раҳбарияти ва Савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касабаси уюшмаси Халқаро Кон-



федерацияси халқаро жамоат бирлашмаси раиси Валентина Митрофанова ўртасида мулоқот бўлиб ўтди. Самимий ва дўстона кечган мулоқот жараёнида ушбу нуфузли халқаро ташкилот ҳамда мамлакатимиз касабаси уюшмалари ўртасида ҳамкорликни янада кучайтириш борасида фикр ва таклифлар билдирилди.

2

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати йигирманчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси 2019 йил 21 июнь кунини соат 10:00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2019 йил 20 июнь кунини соат 9:00 дан 18:00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойеида рўйхатга олинади.



Афв

Президентимиз фармони асосида қатъий тузалиш йўлига ўтган 575 нафар юртдошимизнинг афв этилиши муносабати билан



Ўтмишда султонлар тож-тахтин йўлаб, бир ишни пухта-ю, бирни ҳам этган. Кези келганда, ўтirmай аяб, Неча лак инсонни қатли ом этган.

Талотўп замонда Шарқда ибрат нур, Шикаста дилларни айлади обод. Бемисл бағрикенг ҳазрати Темур, Минглаб асирларни айлади озод.

Эҳтиромга етди илмпешалар, Ҳурматга ноилдир аҳли ҳунар ҳам. Адолатдан маъмур не-не гўшалар, Амир нигоҳида қуш ҳам, чинор ҳам.

Неча эл солиқдан бўлдилар халос, Соҳибқирон кечди кўпнинг малидан. Шу боис улусда Амирга илхос, Ул зот оғоҳ эди омма ҳолидан.

Сулж суриб келди ўшал адолат, Аввал Улугбекда, сўнг шох Бобурда. Ярим кўнжшларга бахш этди раббат, Гоҳи Самарқандда, гоҳи Лоҳурда.

Бугун-чи, тавба чин – гуноҳдан фориг, Беш юз-у етмиш беш нафар адашган. Оилалар бутун, олисдир оғриқ, Қувончлар шукрона билан туташган.

Афв! Фақат уч ҳарф, замирида лек, Чега тушган дилга чексиз шиғо бу. Ўзбекка Темурдан мерос эзгулик, Ўзбекка йўрғакда кетган дуо бу!

Давлат билан халқнинг яқдил бўлгани, Бириси бирини қўлагани бу! Мамлакат софлиққа соҳил бўлгани, Яратганнинг омад йўлагани бу!

Самимий дуолар қабул шубҳасиз, Боғри бут оила – жамият ҳусни. Дўстим, энди йўлдан адашма ҳаргиз, Сулистеъмол этма, афв отлиғ сўзин!

Адашма, Тангрининг йўлидан озиб, Шайтон восвосига эргашма зинҳор. Қисматингга тақдор гуноҳлар ёзиб, Ондаек Ватанга етказма озор.

Тузалиш йўлига ўтдинг, чин бўлсин, Умрбод энди юрт меҳрин ҳис этгил. Қисматингга меҳр таратмиш ёлқин, Бу ёруғ кунларнинг қадрига етгил!

Икромжон АСЛИЙ,
Ўзбекистон «Юрт келажаги» танловни ғолиби

Эзгу мақсадлар бирдамликда рўёбга чиқади



«1 Маълумот учун айтиш жоизки, Савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касба уюшмаси Конфедерацияси (КПТ) 1991 йилда ташкил

туда сўз юритар экан, бугун касабани уюшмалари бу масала билан янада жиддий шуғулланиши лозимлигини таъкидлади. Айни пайтда МДХнинг деярли барча давлатларида пенсия ёши қонунчилик даражасида ошмоқда, пенсия ёши аниқлашгандан сўнг ўз юртимизда пенсионерлар

бек Муҳамедов шу хусусда қилган маърузасида мазкур йўналишдаги ишлар фаолиятда устувор аҳамият касб этаётганига урғу берди. Нодавлат секторда, жумладан, савдо, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа турдаги корхоналарда ишловчилар манфаатларини ижтимоий ше-

Валерия ТРИКОЛИЧ.

Молдова истеъмол кооперацияси, савдо ва тадбиркорлик касба уюшмаси Федерацияси раиси:



– Бугунги йўналишда Конфедерациямиз, жумладан, ҳар бир республика тармоқ касба уюшмасининг келгуси ривожланиш йўллари белгилаб олинди. Биз касба уюшмалари дуч келадиган долзарб муаммоларни муҳокама қиламиз, уларни ҳал этиш йўллари излаيمиз, жумладан, халқаро миқёсдаги ечимларни ҳам.

Давра суҳбатларида конфедерация аъзолари орасида учрайдиган муаммоларни муҳокама қилдик. Уларни биргаликда ҳал этиш ва бутун ташкилотнинг ишларини яхшилаш борасида чора-тадбирлар белгиладик.

Мамлакатимиздаги жиддий муаммолардан бири – ёшлар миграцияси. Ўйлайманки, ушбу муаммо ташкилотимизнинг бошқа аъзо-мамлакатларида ҳам мавжуд. Уни бартараф этиш учун янги иш ўринларини яратиш ва муносиб иш ҳақи тўланишини таъминлаш керак бўлади. Оилаларнинг турмуш фаровонлиги мамлакат ҳаётига жиддий таъсир этади.

Меҳнат шартнолари яратилган, инсон омили биринчи ўринга қўйилган ташкилотларда соғлом муҳит, соғлом жамоа бўлади. Биз бу борада муҳим омил сифатида жамоа шартномасини кўрамиз, чунки бу каби шартнома шакли қонуний ҳуқуқларни талаб қилиш ва таъминлаш имконини беради.

нинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан чуқур шуғулланишимиз талаб этилади, дея қайд этди у.

Йўналишда, шунингдек, Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг касба уюшмасига аъзоликни рағбатлантириш самарадорлигини ошириш ва соҳа ходимларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга оид иш тажрибаси ҳақида сўз юритилди. Тармоқ касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Улуғ

риклик асосида кенг қамраб олишга эришиш мақсадида ходимлар билан касба уюшмасига аъзолик афзалликлари, иш бевуричлар билан бу йўналишдаги ижтимоий шерикликнинг ҳар томонлама фойдали жиҳатлари хусусида тарғибот-тўшунтириш ишларига, қолаверса, аъзоларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Ўз навбатида, йўналишда сўз олган аъзо ташкилотлар раҳбарлари ҳам ўз мамлакатларида бу соҳада йўлга қўйилган тажрибалар ҳақида гапириб ўтишди.

Жюльен ЮК.

Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, савдо соҳаси ходимлари касба уюшмаси Халқаро Конфедерацияси бош қотиби:



– Касба уюшмалари фаолияти мазмун-маънолигида ишловчиларнинг манфаатларини ҳимоялаш мақсади туради. Бу борада уларнинг бирдамликда ҳаракат қилиши ижобий самара бериши шубҳасиз. Мен КПТга аъзо давлатлардаги, айниқса, Ўзбекистондаги тармоқ касба уюшмаси иш тажрибаси билан танишар эканман, мақсад ва йўналишларимиз яқин эканига ишонч ҳосил қилдим. Фақатгина ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, умумий ҳаракатларни бирлаштириш, ўзаро тажриба алмашиш орқали дунёдаги меҳнат аҳлининг манфаатларини ҳимоялаш борасида яхши натижаларга эришиш мумкин. Бугунги анжуман ҳам шунга хизмат қилади, деб ўйлайман.



Бундан ташқари, Савдо, умумий овқатланиш, истеъмол кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касба уюшмаси Конфедерацияси аъзо ташкилотлар томонидан касба уюшмалари ҳаракатини савдо соҳасида мустақамлаш, касба уюшмалари фаолиятининг самарадорлиги ва уларнинг обрўсини ошириш, аъзо

ташкilotларнинг муаммоларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбир доирасида иштирокчиларга Тошкент, Самарқанд ва Бухоро бўйлаб саёҳат қилиш, савдо корхоналарига ташриф буюриш имконияти яратилди.

Ўз мухбиримиз

этилган бўлиб, офиси Россия Федерациясининг Москва шаҳрида жойлашган. Мазкур Конфедерация Кенгашига МДХ давлатларидан Россия Федерацияси, Озарбайжон, Беларус, Ўзбекистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон, Украина, Болтиқбўйидан Латвия ва Литва

димлари касба уюшмаси Халқаро Конфедерацияси халқаро жамоат бирлашмаси раиси Валентина Митрофанова олиб борди.

Конфедерация йўналишида МДХ давлатларида пенсия таъминоти тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. В.Митрофанова шу мав-

«1 Мулоқот чоғида туманда истиқомат қилувчи фуқаролар томонидан кўзга ташланган мавжуд муаммолар баён этилди. Жумладан, дастлаб ҳудудда таъмирталаб йўللار, тунги ёриткичлар, алмаштирилиши зарур бўлган эски симёғочлар мавжудлиги ҳамда уларни жорий йилда таъмирлаш кўзда тутилгани таъкидланди.

Маҳалла раислари ҳамда участка инспекторлари ҳудуддаги ҳолат, ижтимоий масалалар ва чет элга узоқ муддатга кетган фуқаролар бўйича маълумот бердилар. Шундан сўнг маҳалла фаоллари мавжуд муаммоларни баён қилишди.

ФУҚАРОЛИК ОЛОЛМАЁТГАН «ЯНГИ МИРОБОД»ЛИКЛАР

«Янги Миробод» маҳалласи Нукус шаҳрида яшовчи Дилдора Сиддиқова ва ўғли Фаррух Сиддиқов аввал Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида яшагани, ҳозирда мазкур маҳаллада истиқомат қилиб келишаётган бўлса-да, лекин ҳалигача Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олишмаганини айтиб, шу масалада ёрдам сўради. Худди шу масалада Миробод кўчасида яшовчи Дилфуза Шонаҳметова ҳам Жамоатчилик комиссиясига мурожаат қилди.

Бундан ташқари, маҳалла фаоллари ҳудуддаги 3-берк Мироншоҳ ҳамда 1-берк Кичик Миробод кўчалари асфальти таъмирталаб аҳволдалигига эътиборни қаратишди. Ушбу масалаларни ўрганиш ва ижобий ҳал этиш борасида мутасаддиларга зарур тавсиялар берилди.

МУҚИМ ИДОРАСИ ЙЎҚ МАҲАЛЛА

«Истиқлолобод» маҳалласида мавжуд айрим кичик масалалар маҳалладошлар томонидан баҳамжиҳатликда ҳал этилиши, фақат ҳозирда маҳалла фуқаролар йиғинининг муқим идораси йўқлиги боис бироз ноқулайликлар юзага келаётганини айтиб ўтилди.

«НАВРЎ»ДАГИ ТАЪМИРТАЛАБ ВА ЁРИТҚИЧСИЗ ЙЎЛЛАР

Мулоқот чоғида «Наврў» маҳалласи 4-берк Сарикўл кўчасида яшовчи, 6 нафар воёга етмаган фарзанднинг онаси Анна Ивличева уйи таъмирталаб, хонадонига канализация ўтказиб беришда амалий ёрдамга муҳтожлиги юзасидан мурожаат қилди.

Шу кўчада яшовчи, 3 нафар фарзанднинг онаси Н.Бобомуратова ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож экани, коммунал тўловларни тўлашда қийналаётганини билдирди.

Ишчи гуруҳнинг ўрганишлари давомида «Наврў» маҳалласида ички кўчаларнинг асфальт қопламлари носоз, ачинарли ҳолатда экани маълум бўлди. Қолаверса, 3-берк Сарикўл кўчасидаги 300 метрдан зиёд масофада тунги ёриткич мавжуд эмас.



Миробод обод бўлади

«МАҲАЛЛАМИЗ БУЗИЛАДИМИ, БУЗИЛМАЙДИМИ?»

«Тонг юлдузи» маҳалласида яшовчиларни бир савол кўп йиллардан бери ўйлантириб келяпти: «Маҳалла бузиладими ёки бузилмайди?»

Мазкур масалага туман ҳокимлигини томонидан ҳалигача аниқлик қоритилмагани боис маҳалладошларнинг боши қотган. Гоҳ маҳалла бузилади, дейишса, гоҳ бунинг аксини гапиришмоқда.

– Уйимиз Фарғона йўли 2-берк кўчасида, 80 ёшли онам ва яқинда жазо муддатини тугатиб қайтган укам билан яшайман, – дейди Ашуралли Абдукаримов. – Ўзим бетобман. Электр энергиясидан 4,5 млн., газдан эса 6,5 млн. сўм қарзимиз бор. Ҳозирда хонадон электр ва газдан узиб қўйилган. 1 июнь кунини мазкур масалада ёрдам сўраб туман ҳокими қабулида бўлдим. Лекин ҳалигача ўз ечимини топгани йўқ.

Иноқобод 1-тор кўчаси, 6-уйда яшовчи Гулнора Давлетова эса уйини ўз номига расмийлаштириш борасида 2008 йилдан бери муаммоларга ечимини тополмапти. Туман ҳокимиятининг уй-жой бўлимига керакли ҳужжатларни тақдим этганига қарамай, ҳокимликдаги масъул шахслар ишни пайсалга солиб келмоқда.

«БАЙНАЛМИЛАД»ЛИКЛАР НИМА ДАЛАСИ?

«Байналмилад» маҳалласида яшовчилар маданий-маиший ва спорт-соғломлаштириш, мактабгача таълим муассасалари, ёшлар маркази, болалар майдончаси, тикувчилик устaxonалари барпо этиш масаласини кўтарди.

Бундан ташқари, ҳудудда ўта таъмирталаб ҳолатда бўлган хонадонлар мавжудлиги айтиб ўтилди. Булар: Мироншоҳ кўчаси, 92-уй, 4-, 5-, 7- хонадонлар, 103-уй, 24-хонадон, Оқ йўл 1-тор кўчаси, 30-уй, Мироншоҳ кўчаси, 40-уй, 5-хонадон, Мироншоҳ 4-тор кўчаси, 4а-уй. Ушбу хонадонларда яшовчиларнинг аксарияти ёлғиз яшовчи кексалар, кам таъминланган оилалар бўлиб, ҳозирда жамоатчилик ёрдамисиз ўзлари бу масалани ҳал эта олмадиларли таъкидланди.

Жамоатчилик комиссияси фуқароларнинг барча мурожаатларини инобатга олиб, кўтарилган муаммолар, бажарилиши кечиккан ишлар, айрим мутасаддиларнинг бепарволиги сабаб аҳолига азият етказётган ҳолатлар юзасидан тегишли ташкилот ва муассасаларга ваколати доирасида ўз вақтида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни белгилаб берди.

«ЗИЁНУР»ДАГИ НУРАФШОН КЎНГИЛЛАР

«Зиёнур» маҳалласи, Қўйлик-2 даҳаси, 22-уй, 26-хонадонда яшовчи Раҳима Мамасолиева уйини мукамал таъмирдан чиқариб беришга учун мутасаддиларга, ишчи гуруҳга ўз миннатдорлигини билдирди.

Қўйлик-2 даҳаси, 21-уй, 24-хонадонда яшовчи Гулбаҳор Бердиева ҳамда 11-уй, 42-хонадонда яшовчи Зилола Худойбердиева оилавий шароити инобатга олинган ҳолда бепул уй-жой билан таъминлангани учун Президенти-мизга, хайрли ишларда бош-қош бўлиб турган мутасаддиларга ташаккур изҳор қилди.

НАВБАТ «ЧИНОР»ГА

Қўйлик-1 даҳаси, 4-уй, 33-хонадонда яшовчи, ногиронлиги бўлган Зулфия Абдуллаева имтиёзли уй олиш учун бошланғич тўлов қилишга қийналаётгани сабабли ёрдам сўраб мурожаат қилди. Унга Жамоатчилик комиссияси томонидан бошланғич тўлов учун 20 миллион сўм тўлаб берилдигани бўлди.

ОДОБЛИ КЎЧАСИДАГИ «ОДОБСИЗ» ТРАНСФОРМАТОР

«Билимдон» маҳалласида бир қанча ҳал этилиши зарур бўлган масалалар мулоқот чоғида юзага чиқди. Жумладан, Одобли кўча-

сидаги носоз трансформатор аҳолига ноқулайлик туғдирапти. Бундан ташқари, маҳалла фаоллари Толариқ канали бўйида жойлашган уйларни кўчириш масаласини ҳам кўтарди.

– Коммунал тўловдан 5 миллион сўмга яқин қарзимиз бор, – дейди 38-уйда яшовчи Шарофат Ҳайдарова. – Тўлашга имкониятимиз йўқ, Шу масалада ёрдам беришларингизни сўрайман.

– Моддий имконимиз, шароитимиз йўқлиги сабабли коммунал қарздорликни ўз вақтида тўлай олмадик, – дейди Одобли кўчасида яшовчи Муҳаббат Новвотова. – Ҳозирда бу сумма 9 миллион сўмга етди. Қарзни узишга қурбимиз етмаяпти.

Жамоатчилик комиссияси томонидан ҳар бир айтиб ўтилган масала ҳамда фуқаролар мурожаатларини ўрганиб чиқиш, тезкорлик билан ижобий ҳал этиш бўйича туман ҳокимлиги ва масъул ташкилотларга тегишли топшириқлар берилди.

УЧРАШУВДА АЙТИЛМАГАН ГАПЛАР...

Маҳалла раислари билан учрашувдан сўнг боғланганимизда, булар мулоқот давомида регламентни ҳисобга олган ҳолда, қолаверса, фуқароларнинг жамоатчилик олдига айтишга истиҳол қилиб тилга олинмай қолган масалалари борлигини билдирди. Уларнинг илти-мосларини рад этмаган ҳолда ўқувчилар эътиборига ҳавола этишни лозим топдик.

«Чинор» маҳалласи, Қўйлик-1 даҳаси, 16-уй, 10-хонадонда яшовчи Нигора Педаеванинг 2006 йилда туғилган қизи жигар хасталигидан азият чекиб келмоқда. Фарзандини даволатиш учун оила ҳар кунни дори-дармон харид қилишга тўғри келади. Уни чет элга жарроҳлик йўли билан даволашга юбориш учун катта маблағ зарур. Шу масалада ёрдам сўраш илин-жида борган она эса жамоатчилик олдига ўз муаммосини айтишга ботинолмади.

– Нигора Педаеванинг иккинчи фарзанди соғлиғида ҳам муаммо бор, – дейди «Чинор» МФЙ мутахассиси Мавжуда Луқмонова. – Ташхисга кўра, унинг қулогини операция қилиш керак, операция учун 3,5 млн. сўм маблағ талаб этилади. Оиланинг мушкуллини осон қилиш учун мутасаддилар эътибор қаратишса, хайрли иш бўлар эди.

«Билимдон» маҳалласи раиси Алишер Юсупов маҳаллада учрашув пайтида айтилмай қолган яна айрим масалалар борлигини билдирди. Раис, жумладан, «Билимдон» маҳалласини «Обод маҳалла» дастурига қўшиш, Толариқ канали атрофини ободонлаштириш, четларини бетонлаш ва йўлак учун мақсадли пул ажратиш, шунингдек, каналдан ўтган, тўрт маҳаллани туташтирувчи авария ҳолатидаги кўприкни таъмирлаш, қолаверса, маҳалла ҳудудидида спорт ва футбол майдончаси қуриш каби муаммоларни бир-бир санаб ўтди.

Аъзамжон АБУЛҲАЙЗОВ,
«ISHONCH»

Реклама ҳуқуқи асосида

QISHLOQQURILISHBANK



«Қишлоқ қурилиш банк»: ОМОНАТ – ФАОЛ САРМОЯ

Гапнинг очиги, кўпчилигимиз бўш маблағимизни банкка «омонат» қўйишга у қадар ошиқмаймиз. Аслида, омонатлар даромад манбалари ҳамдир. Қолаверса, банкда турибдими, кимдир ундан фойдаланади. Натижада иқтисодиёт ва тараққиёт гилдираги ҳам ҳаракатланади.

Молия муассасаларининг ушбу йўналишдаги ишлари билан танишар эканмиз, бу ҳақдаги тасаввуримиз ёрқинлашиб боради. Мана масалан, «Қишлоқ қурилиш банк»ни олайлик. Яқинда матбуот анжуманида бу борада етарли маълумотга эга бўлдик.

ОНЛАЙН ХИЗМАТ ОММАЛАШМОҚДА

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки аҳоли учун йиллик тўловлари 21 фоизгача бўлган омонатларни таклиф этмоқда. Онлайн тарзда жойлаштирилган омонат пул маблағларига эса йиллик 22 фоизгача фоиз тўловлари амалга оширилмоқда.

2019 йилнинг ўтган даврида «Қишлоқ қурилиш банк» АТБда омонатлардаги маблағлар қолдиги 610,1 млрд. сўмдан ортди. Аҳолининг банкдаги омонатлари қолдиги йил бошига нисбатан 112 фоизга ўсишига эри-

Молия муассасаларида

шилди. Шундан узоқ муддатли омонатлар салкам 293 млрд. сўмни, яъни жами омонатларнинг 48 фоизини, қисқа муддатли омонатлар 317 млрд. сўмдан зиёдни, яъни жами омонатларнинг 52 фоизини ташкил этган.

МИЖОЗЛАР КЎПАЙИШИ САБАБИ НИМАДА?

Аҳоли «Қишлоқ қурилиш банк» филиалларида узоқ муддатларга бўш пул маблағларини жадал жойлаштирипти. Унга муносиб равишда банк ҳам ўз хизматларининг жозибадор ва қулайлигини ошириб бораётир.

Хусусан, банк филиалларида муддатли ва жамғармали омонатга минимал миқдордан юқори маблағ жойлаштирган омонатчига банк бошқарувининг қарорига кўра, банк пластик карталари бепул тақдим қилинмоқда.

Банк омонатчиларининг омонатлардаги маблағларини уларнинг шахсий мобил алоқа воситасида ма-софадан бошқариш имконини берувчи «Депозит бан-кинг» хизматидан фойдаланишни йўлга қўйган.

ИШОНЧ БОР

Нисбатан узоқ муддатли омонатларга қараганда се-зиларли даражада юқори фоиз тўлови ҳамда аҳолининг омонатлардаги маблағларининг ишончли ва хавфсиз сақланишини таъминлаш мақсадида банк «Биометрик идентификациялаш» тизимини (бармоқ изи орқали) жорий қилди.

Омонатчилар паспорт муддатининг ўтгани, омонат муддати етиб келганидан хабар берувчи «SMS хабар-нома» тизими йўлга қўйилган.

Молия муассасаси айна вақтда 26 та омонат турла-рига маблағлар жалб этмоқда. Улардан 19 таси миллий, 7 таси хорижий валютадаги омонат турлари ҳисобла-нади.


Юқоридагилардан кўринадики, омонатларга кафо-лат бор. Физилари ҳам кам эмас. Ишонч бўлса, бас. На-заримизда, у ҳам йил сайин ошиб бораётгандек. Маъ-лумот келтирамиз: 2019 йилнинг ўтган даврида «Қиш-лоқ қурилиш банк» омонатчилари 98 800 тадан 104 600 тага ўсди. Демак, юксалиш бор.

Давронбек ОРИПОВ,

«ИШОНЧ»

Хизматлар лицензияланган

Реклама ҳуқуқи асосида



Пластик картангизни йўқотдингизми? Фарзандингизни чет элга ишлаш учун юбормоқчимисиз? Аммо хавотирланянгизми? Бундай вазиятда «Халқ суғурта» хизматларидан бемалол фойдаланишингиз мумкин.

Дастлаб улар ҳақида қисқача:

«МИГРАНТ»

Мазкур суғурта маҳсулоти бўйича суғур-таланган фуқаро чет элда бахтсиз ҳодиса натижасида меҳнат қобилиятини йўқот-ганда еки вафот этганда, уни Ўзбекистонга қайтариш билан боғлиқ барча харажатлар, шунингдек, соғлигини тиклаш харажатлари суғурта пули доирасида суғурта компани-яси томонидан тўлаб берилди.

Масалан, Чехия, Польша, Корея ва бошқа давлатларга ишлаш мақсадида кет-ган, аммо у ерда бахтсиз ҳодисага учраган, қайтиш учун маблағи етмаётган юртдош-ларимизни молиявий жиҳатдан таъмин-лайди. Шунингдек, чет элга ишга юбора-ётган хусусий бандлик агентликларининг кўриши мумкин бўлган молиявий зарари ва репатриация харажатлари суғуртала-нади.

НОМИ УЗУН, ЎЗИ СОДДА

«Жисмоний шахсларни бахтсиз ҳо-дисалардан географик ҳудуд бўйича суғурта-лаш» маҳсулоти. Ушбу суғурта тури жуда ҳам содда тузилган бўлиб, ҳар бир суғурта ҳодисаси бўйича суғурта қопламаси миқ-

дори аниқ белгиланган бўлади. Суғурта қопламасини олиш учун фуқаронинг пас-порти ва тиббий маълумотномаси етарли. 2018 йилда 85 мингдан ортиқ фуқаро суғур-таланган бўлиб, 1 281 млрд сўм суғурта жа-вобгарлиги олинган.

Ушбу суғурта турида қандай мақсад-ларда фойдаланилади? Суғурталанган

жисмоний шахс Ўзбекистон, Қозоғистон ва Россия ҳудудларида бахтсиз ҳодиса нати-жасида тан жароҳати олса, суғурта қопла-малари суғурта пули доирасида қоплаб бе-рилади. Бугунги кунга қадар юртдошлари-



Суғурта хизмати: БАРҚАРОР ФАОЛИЯТ КАФОЛАТИ

ҳаракати хавфсизлиги далолатномаси та-лаб этилмайди.

ЮҚОРИ ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИ

«Халқ суғурта» Халқ банки тасарруфи-даги суғурта компанияси бўлиб, 2011 йил 16 майда Адлия вазирлигида давлат рўйха-тидан ўтказилган. Компаниянинг тўлиқ таъсисчиси Халқ банки ҳисобланади. Ком-пания умумий суғурта соҳасида 17 йўналиш бўйича ихтиёрий ва мажбурий суғурта тури бўйича хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу-гунги кунга келиб компания тизимда Қо-рақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 15 та филиал ва мазкур филиаллар негизда ташкил этилган 18 та ҳудудий бўлима фаолият кўрсатмоқда.

2019 йил 1 июнь ҳолатига кўра, ком-пания томонидан йилгилан суғурта муқофот-лари ҳажми 19,9 млрд. сўмни ташкил этиб, шундан 8,1 млрд. сўм юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкни суғурталаш, 7,1 млрд. сўм юридик ва жисмоний шахслар-нинг транспорт воситаларини суғурталаш, 520 млн. сўм жисмоний шахсларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш ва 4,2 млрд. сўм кредит қайтмаслиги хатарини суғурталаш турлари ҳисобига тўғри келади.

Мухтабар айтганда, «Ахбор-рейтинг» рейтинг агентлигининг «УЗА+ (жуда юқори тўлов қобилияти)» «Позитив» прогно-зига эга мазкур компания мамлакатимиз суғурта бозорини ривожлантириш, аҳоли ва тадбиркорларнинг мол-мулкларини ка-фолатлаш борасида бир қатор ижобий на-тижаларга эришмоқда.

Мухаббат УБАЙДОВА,

Мухлиса АЛИМОВА

Хизматлар лицензияланган

Эълонлар

«NAVOIY UNIVERSAL SAVDO» МЧЖ томонидан 2018 йил 27 декабрда ва 2019 йил 10 январь кун
ўтказилиши лозим бўлган кимошди савдолари, савдога қўйилган мулклар рўйхати ва қиймати
ўзгартирилмаган ҳолда 2019 йил 1 июль кун соат 11:00да бўлиб ўтишини билдиради.

Талабдорлар диққатига!

Мазкур 2019 йил 1 июлдаги савдога хари-дорлардан ариза тушмаган тақдирда навбат-даги аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг пай-шанба кун соат 11:00 да бўлиб ўтишини ол-диндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун та-лабдорлар «Закалат пули тўғрисидаги кели-шув»ни имзолагандан сўнг авторанспорт воси-таси бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пули ҳамда ариза-

ларни рўйхатдан ўтказиш ва ахборот-маслаҳат консалтинг хизмати учун энг кам иш хақи-нинг бир ярим баравари миқдоридида комис-сия тўловини Савдо ташкилотчисининг ҳи-собрақамига («NAVOIY UNIVERSAL SAVDO» МЧЖ нинг Навоий шаҳар «Санаториалиш-банк»и даги МҲО: 00207, ИИН: 303793673, х/р: 20208000400587033001) тўлайди. Талабдорлар-дан аризалар Навоий шаҳри, Ломоносов кў-часи, 5-уй манзилида (жума, шанба ва якшанба кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача

қабул қилинади. Талабдорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан бир кун олдин 11:00да тўхтатилади. Ушбу асо-сий воситалар билан эгалик ташкилот вакил-лари ҳамроҳлигида жойига бориб танишиш мумкин.

Аукцион савдоси ўтказиладиган ман-зил: Навоий шаҳри, Ломоносов кўчаси, 5-уй. Мўлжал: 10-кичик туман деҳқон бозори. Мур-ожаат учун телефон: (91) 309-11-01 (91) 438-57-77.

Гувоҳнома № 44

Эълонлар

«Auto Gold Grant» МЧЖ Тошкент шаҳар филиали очик аукцион савдосига таклиф этади!

«Аммофос-Максам» АЖнинг 2019 йил 17 июндаги бюртномасига муво-фик жамиятга тегишли Олмалик шаҳар Ишлаб чиқариш зонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари 2019 йил 22 июль кун соат 11:00да жа-мийат манзилида ўтказиладиган аукцион савдосига қўйилмоқда: «Damas» р-ли, 2007 й.и/ч, оқ, д/б: 10/2878AA, т/ч, 6,6 – 17 500 000 сўм, «SparK» р-ли, 2018 й.и/ч, оқ, д/б: 10/453QBA, т/с, 6,6 – 43 750 000 сўм, «Cobalt» р-ли, 2014 й.и/ч, кулранг, д/б: 10/494ZAA, т/с, 6,6 – 43 800 000 сўм, «Cobalt» р-ли, 2014 й.и/ч, кулранг, д/б: 10/252OAA, т/ч, 6,6 – 45 100 000 сўм, «Cobalt» р-ли, 2015 й.и/ч, оқ, д/б: 10/988HBA, т/ч, 6,6 – 47 400 000 сўм, «Lacetti» р-ли, 2012 й.и/ч, оқ, д/б: 10/585VAA, т/ч, 6,6 – 45 200 000 сўм, «Gentra» р-ли, 2014 й.и/ч, қора, д/б: 10/880CBA, т/ч, 6,6 – 49 500 000 сўм, «Malibu 2» р-ли, 2018 й.и/ч, оқ, д/б: 10/5745BA, т/ч, 6,6 – 248 500 000 сўм. Мазкур автотранспорт воситалар билан жамият вакили иштирокида бево-сита жойига чиқиб танишиш мумкин. Агарда ушбу аукцион савдосида сотил-маган тақдирда такоррий савдоси 2019 йил 7 ва 22 август кунлари бўлиб ўтади. Савдо ғолибига 10 иш кун ичида сотувчи билан олди-сотиди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабдорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача (соат 13:00-14:00гача тушлик) қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш бир кун олдин соат 16:00да тўхтатилади. Талабдорлардан савдода иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши сўралади: савдо ташкилотчиси билан тузиладиган «закалат тўғрисидаги келишув»га асосан закалат пули тўлан-ганлиги тўғрисида тўлов ҳужжати нусхаси, ариза, вакиллар учун ишончнома. Мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ва қўшимча кўрсатилган хизматлар учун энг кам ойилик иш ҳақининг 2 баробари миқдорда тўлов «Auto Gold Grants» МЧЖнинг Тошкент шаҳар филиалига ОАИТБ «Илпак йўли банк» Мировод филиалидаги ҳисобрақами (2020 8000 2004 2284 9001 МҲО: 01101, ИИН: 303136943) тўлашлари шарт.

Аризаларни қабул қилиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Бе-руний 2Б. Телефон: (93) 594-93-88.

Гувоҳнома №05791

Аукцион савдолари хабарномаси

«BEST AUKSION SAVDO»

маъсулияти чекланган жамияти мулк бошланғич баҳосининг ошиб бориши тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади

1. 2019 йил 5 июль кун соат 11:00да ташкил қилинадиган савдо-ларга Ўзбекистон Республикаси Банк-Молия академиясининг 03.06.2019 йилдаги 437-сонли бюртномасига асосан академия ҳисобидидаги мулклар мужассам ҳолда арзонлаштирилиб 114 713 237 сўм қийматда такроран қўйил-моқда. Булар:

№	Мулк номи	Ўлчов бирлиги	Мисқори	Ҳар бирининг баҳоси (сўм)	Жами бошланғич баҳоси (сўм)
1.	3,8x2,2 хажми 154 дона темир панжара (демонтак)	кв.м.	1043,5	72 657	75 817 580
2	Устуру қалинлиги 5мм бўлган труба 2,0 м. (89/мм), (демонтак) 78 дона	метр	156	46 332	7 227 792
3	Устуру қалинлиги 5мм бўлган труба 2,0 м. (120/мм), (демонтак) 78 дона	метр	156	73 008	11 389 248
4	2,5x2,2 хажми 1 дона дарвоза, (демонтак)	кв.м.	5,5	385 398	2 119 689
5	4,5x2,2 хажми 1 дона дарвоза, (демонтак)	кв.м.	9,24	385 398	3 561 077
6	3,6x2,2 хажми 1 дона дарвоза, (демонтак)	кв.м.	15,84	385 398	6 104 704
7	Қисқарт 20x20мм. ил-устуру бириктирилган қисқарт 15x154	дона	2367	3 510	8 308 170
8	Дарвоза труба 150/мм.	метр	1	111 969	111 969
9	Дарвоза труба 120/мм.	метр	1	73 008	73 008

II. 2019 йил 5 июль кун соат

12:00да ташкил қилинадиган савдо-ларга Ўзбекистон Республикаси Ўз-бекгидроэнерго акциядорлик жами-яти Гидромакссуқурилиш акциядор-лик жамиятининг 04.06.2019 йилдаги 01/05-3193-сонли бюртномасига асосан жамият ҳисобидидаги қуйидаги автотран-спорт воситалари алоҳида ЛОТ тарти-бидида арзонлаштирилган ҳолда такро-ран қўйилмоқда. 1. 1984 йилда и/ч, д/р: 10 14-59 АА, техник ҳолати носоз бўл-ган ХТЛ 9385 русумли яриштирмака (бортли) Бошланғич баҳоси 2 617 500 сўм. 2. 1984 йилда и/ч, д/р: 01 178 КСА, техник ҳолати носоз бўлган ГАЗ 2401 русумли енгил а/в Бошланғич баҳоси – 4 708 500 сўм. 3. 1995 йилда и/ч, д/р: 01 597 ВВА, техник ҳолати но-соз бўлган ГАЗ 31029 русумли енгил а/в Бошланғич баҳоси – 3 360 000 сўм.

III. 2019 йил 22 июль кун соат

11:00да ташкил қилинадиган савдоларга Ўзбекистон Республикаси Ўзбекгидро-энерго акциядорлик жамияти Гидрома-кссуқурилиш акциядорлик жамиятининг 21.02.2019 йилдаги 01/03-123-сонли бю-ртномасига асосан жамият ҳисобидидаги жами 3 дона АТЭСК-100/220 русумли Автотрансформатор мужассам ҳолда қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 69 730 667 сўм

Талабдорлар диққатига!

Аукцион савдоси 2019 йил 5 июль кун соат 11:00дан 16:00гача тақдирда тақ-рий аукцион савдоси 2019 йил 12, 19, 26 июль кунлари соат 11:00да бў-либ ўтади. 2019 йил 22 июль кундаги савдо бўлиб ўтмаган тақдирда так-рорий аукцион савдоси 2019 йил 29 июль, 5 август кунлари соат 11:00да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун бюртномалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2019 йил 5 июль кундаги савдо учун 4 июль кунга қадар, 12, 19, 22, 26, 29 июль, 5 август кундаги сав-

долар учун 1 кун олдин (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари, соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабдорлардан «Аукцион ташкилотчиси» билан ту-зиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқ-дордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гу-воҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашуви ишонли вакил учун тас-диқланган ишончнома тақдим эти-лиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига бўлган талабдорлар томонидан аукцион таш-килотчисининг ҳисобрақамига мулк сотилиш нарҳининг 2,0 (икки) фоизи миқдоридида комиссия йиғини ҳамда хизматлар учун пул маблағларини тўлаб беради.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кун-лик муддат ичида олди-сотиди шарт-номасини тузиш мажбурияти юклати-лади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотиди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизит-лар: «BEST AUKSION SAVDO» МЧЖ, х/р: 20208000500842711001, АТБ Қи-шлоқ қурилиш банк ташкилот шаҳар минтақавий филиали МҲО: 00452, СТИР: 305300366.

Аукцион савдосига қўйилган мулк-лар билан корхона вакили иштиро-кида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Бюртномаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун ман-зил:

Манзил: Тошкент шаҳар, А.Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.

Тел.: (99) 862-16-71. E-mail: bas_savdo@mail.ru

Гувоҳнома № 576174.

«WANG DA STEEL» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг умумий йиғи-лиш қарорига кўра «WANG DA STEEL» МЧЖ тугатилаётгани маълум қилинади.

«WANG DA METAL CONSTRUCTION» МЧЖ таъсисчиларининг умумий йиғилиш қаро-рига кўра «WANG DA METAL CONSTRUCTION» МЧЖ тугатилаётгани маълум қилинади.

ЧП «РЕ CHEMICAL TRADE» (ИИН: 306107034), проишвудия регистрациия в Якксарайск-ом центре регистрациия услг 7 февраля 2019 г. за номером 816892 заканчивает свою деятельность и все просьбы и заявления принимает по адресу: г.Ташкент, Якксарайский район, ул. Юсуф Хос Хожиб-72/22

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсат-ти ташкилотлари ҳодимлари касба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши «Зарафшон текстиль» масъулияти чекланган жамияти-нинг касба уюшма кўмитаси раиси Азима Хамидовага куёви Дилмурод УМИРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихсдор этади.

«Чинобод санаторийси» АЖ жамоаси санаторий врач-и Хуршид КАМЛОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлиқ билдиради.

БИЛДИРГИ

«NAVOIY UNIVERSAL SAVDO» МЧЖ томонидан ўт-казиладиган аукцион савдолари тўғрисида Сизнинг га-зетангизнинг 2018 йил 13 декабрдаги №149-сониди берилган реклама эълони бўйича навбатдаги аукцион савдоси «Трансгазтехникбутилаш» МЧЖнинг 2018 йил 14 декабрдаги № 01-ЗРУ/913 сонли хатига асосан тўх-татилган эди. Хозирда ушбу ким ошди савдоларини давом эттириш мақсадида «Ishonch-Doverie» газе-тасининг навбатдаги сониди қуйидаги билдирги эъ-лонини чоп этишингизни сўраймиш ҳамда Тошкент шаҳри, Тошкент, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида сотилмаган қолган ав-тотранспорт воситалари савдоси белгиланган санада давом эттирилишини маълум қиламиз.

Эъзоздан кўнгиллар юксалмоқда



лан яқиндан танишиб олишди. Сихаттоҳда дам олувчилар учун кўплаб қўшимча қўлайликлар яратилган. Ҳовлисидаги айвончалар, болалар ва катталар учун спорт майдонлари шулар жумласидан. Келган ҳар бир киши шифокор ва ҳамширалар назоратида. Муолажалар хоналари эса хизмат кўрсатишга ҳамisha шай ҳолатда.

Эл-юрт равнақиға, маънавиятимиз, маърифатимизни юксалтиришга баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшган, турли жаҳаларда меҳнат қилган ва ҳозирда ҳам кўплаб шогирдларига соҳанинг ўзига хосликларини ўргатиб келатган нуронийларнинг самимияти ва дуога очган қўллари бу каби хайрли ишларнинг аҳамияти нақадар катта эканидан далолат беради.

Ям-яшил гиёҳларга тўла



инсонлар куни кеча фойдаланишга топширилган «Зомин» болалар оромгоҳида тўхташди. 200 болага мўлжалланган маскан фаолияти билан яқиндан танишиб, болажонлар билан дилдан суҳбатлашди.

Яна бир соат йўл босиб, ниҳоят, санаторий ҳудудига кириб бордик. Фахрийлар мезбонлар томонидан очиқ чехра билан кутиб олинган, улар маскан фаолияти билан яқиндан танишди. Бир пиёла чой устида йўл чарчоқларини енгитди. Навоий кон-металлургия комбинати ишчи-ходимлари улар би-

пурвиқор Зомин тоғларини ҳайрат кўзи билан кузатаётган фахрийлар, ана шу тоғларнинг учта дараси туташган жойда барпо қилинган замонавий санаторийга боқиб, шу эл фарзанди, севимли шоиримиз Ҳамид Олимжоннинг куйидаги сатрлари беихтиёр хаёлда айлана бошлади:

**Гўзал этмиш дунёни одам,
Одам билан гўзалдир ул ҳам.**
Фозил ЖАБОРОВ

41 Эрта тонгдан Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси биноси олдида йиғилиб, эҳтиромдан мамнун фахрийларни йўл аввали суҳбатга чорладик.

– Бугун давлатимиз раҳбарининг биз, фахрийларга кўрсатган эҳтироби билан беҳад миннатдоримиз, – дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Турғун Азларов. – Санаторийда бепул даволаниш ва дам олиш учун юборилаётган кишилар қаторида борлигимдан хурсандман. Эъзоз ва эътибор учун Давлатимиз раҳбаридан барчамиз чексиз миннатдоримиз.

рилатган эъзу ва савобли ишларнинг санаб саногига етиш қийин. Бундан барчамиз бахтиёримиз, – дея суҳбатга қўшилади Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов.

Халқимиз ҳамisha кексалар, ёши улғу инсонларни эъзозлаб, қадрлаб келган. Бугун бу удум янада юксак босқичга кўтарилди. Бундан миннатдор улғуларимиз қўлларини дуога очиб, йўлга отланишди. Уларнинг кўзидаги қувонч юрт қорига ярашдек, халқ хизматида бўлишдек шараф билан ўтган умридан розиликни ифода этарди.

Тўрт соатлик масофани ортда қолдириб, сўлим Зомин туманига кириб бордик. Эъзоздаги



Ҳар куннинг ўз номи бор

Зарафшон шаҳридаги Навоий кон-металлургия комбинатида қарашли «Зарафшон» болалар соғломлаштириш оромгоҳи ҳар йили ёз фаслида ўз бағрига уч мавсумда 600 нафардан, жами 1800 нафар болани қабул қилади.

– Дам олаётган болажонларнинг ҳар бир куни мазмунли ва мароқли ўтишига алоҳида эътибор

қаратилмоқда, – дейди оромгоҳ раҳбари Гулзода Холматова. – Хусусан, чўмилиш ҳавзалари, спорт мажмуалари, кутубхона, маънавий ва маърифат хонаси, маданий дам олиш учун 600 ўринга эга бўлган саҳналар мавжуд. Компьютер ўйинлари, аттракционлар, фильмлар намойиши, турли тўғараклар болажонларга жуда манзур бўляпти.

«Биз бахтиёр болалармиз»

Томди тумани «Арай» болалар соғломлаштириш оромгоҳида Навоий кон-металлургия комбинати, вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда оромгоҳларни ўрганиш бўйича ташриф буюрган Республика Ишчи гуруҳи вакиллари иштирокида «Биз бахтиёр бола-

лармиз» мавзусида маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Унда болалар ўртасида Ватанимизни мадҳ этувчи расмлар қўрик-танлови ҳам бўлиб ўтди.

Ҳаётдаги бахтиёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

«Қувноқ автобус»да сайр

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда корлигида «Ишонч» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Қувноқ автобус» лойиҳаси доирасида семинар-тренинг, маънавий-маърифий, маданий ва спорт тадбирлари уюштирилди. Тадбирда 30 дан ортқ тарғиботчилар иштирок этди.

Дилафрўз ўРЗОВА,
Навоий вилояти касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси



Брифинг

Сутдан оғзи куйган қатиқни пуфлаб ичмайdimи?!

Таълим – ҳар бир жамиятнинг энг диққатталаб, тинмай ишлаш тақозо этилаётган нозик нуқтаси. Чунки таълим тизими жамиятга расо, соғлом фикрли ва тўғри дунёқарашли аъзоларни етказиб берувчи соҳа ҳисобланади.

Шу боис ҳам Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида бўлиб ўтган халқ таълими вазири Шерзод Шерматов, вазининг биринчи ўринбосари Алишер Умаров ва соҳанинг бошқа мутасадди ходимлари иштирокидаги брифинг ОАВ вакилларида жиддий қизиқиш уйғотди.

«Болаларни давлат умумтаълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти» мавзусида ташкил этилган мазкур брифинг кейинги кунларда ижтимоий тармоқларда болалаган гап-сўзларга ойдинлик киритди. Бу гап-сўзлар 1-синфга қабул қилиш тартиби ўзгаргани, энди бу жараён мактаб жойлашган ҳудуд ва боланинг ёшидан келиб чиқиб хусусида эди. Яъни шу ўқув йилидан бола ёши 7га етмаган ҳамда ўз микроҳудуди (яшаш жойи)дан ташқаридаги мактабга ҳужжат топширилган ҳолларда муайян тўлов қилиниши қизгин муҳокамага сабаб бўлди. Ижтимоий тармоқ фой-

даланувчилари бундай ажратиш ва тўловларни жорий этиш жамиятда табақланишга олиб келади, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қийин аҳволга туширади, деган асосли фикрларни билдиришди.

Бунга ХТВ раҳбари Шерзод Шерматов янги регламентга асосан шу йилнинг 1 январидан 31 декабрга қадар 7 ёшга тўладиган болалар мактабга қабул қилинишини билдирди. Бундан кассад 5,5-6 ёшли болаларни ҳимоя қилиш, уларга тўлақонли болалиқни туйиш имконини беришдир, деди вазири.

Мулоқот давомида энг кўп янграган савол айнан микроҳудудларга тегишли бўлди. Бу бежиз эмас. Чунки қарор тўсатдан, амалга оширишнинг бирорта механизми ишлаб чиқилмасдан, хориж тажрибасига суянган ҳолда таваққалга қабул қилинди. Негадир, кейинги пайтларда бундай пухта ўйланмаган, миллий ва маҳаллий ўзига хосликлар ҳисобга олинмаган қарорларни зарур шароит яратмай туриб қабул қилиш ҳолатлари уч-

рамоқда. Узоққа бормай, ўқувчилар учун ягона мактаб формасининг жорий этилишини олайлик. Қарор унинг асосий «истеъмолчиси», ўз ҳаётига татбиқ этувчиси бўлган халқ иштирокисиз қабул қилинган, аҳолининг катта қисми ижтимоий аҳволи ўрганилмай ва ҳисобга олинмай қабул қилинган учун одамларда ҳақли эътироз, ўринли саволлар ва шубҳаларни уйғотди. Натижада мактаб формаси ушбу ўқув йилидан эмас, янаги ўқув йилидан мажбурий бўлиши белгиланди. Энди микроҳудуд ва боланинг ёши 7га етмагани масаласи ўртага чиқиб турибди.

Таълимнинг ва тиббий хизмат кўрсатишнинг бепул экани қонуларимизда белгиланган бўлиши. Аммо кейинги бир йилда таълим тизимида хусусий ва пулли деган шарплар тез-тез кеза бошлади. Бу балки, қай бир жиҳатдан, чиндан ҳам яхшидир, ўзини оқлар, дунё майдонида самара ҳам келтириб бўлгандир. Аммо биз ишни кўчат келтиришдан бошладик-да. Ҳали ўқитилмаган, суғрилмаган, қавланмаган тўпроққа кўчатни илдизи-пилдизи билан тикишга уриниб ётибмиз. Ҳеч бир ҳуқуқий тайёргарликсиз, огоҳлан-тиришсиз, ижтимоий ўрганишлар-

сиз ўзбекистонликлар тўлов мажбурияти билан юзлашди. Ва бу табиий тарзда жамиятда эътирозлар тўлкини пайдо қилди.

Мазкур қарор коррупцияни йўқ қилиш йўлидаги уриниш сифатида баҳолангани билан амалда у ота-оналарнинг битта ишини иккита, енгиллини эса оғир қилди. Синфларда болалар сонини 35 тадан оширмаслик, мактаб директорларини ҳимоя қилиш (!), қинғирликлар олдини олишнинг бошқа талафотсиз йўли топилмагани ғалати.

Бир пайтлар «ҳеч нарса ҳақида суҳбатлашиш» санъати бўларди. Қатиқ қораланганига қарамай давлатлараро ҳамкорлик ёки келишмовчилик айнан уларга боғлиқ бўлгани учун элчиларга қалтис вазиятларда, бошқа чора қолмаганидагина қўлашга изн берилган. Жуда қизгин руҳда ўтган брифингда биз шу санъатни кўрдик. Ҳар бир журналист ўзини қизиқтирган ва қийнаган саволларни беришга уринди, баъзилари бера олди ҳам. Аммо негандир аниқ жавобни эшитмадик.

Бир соатдан зиёд давом этган, журналистлар ва ота-оналар аниқлик умид қилиб келган мулоқот давомида рўйхатдаги 81 та мактабга

қабул пулли бўладими-йўқми, Шерзод Шерматов Вазирилар Мақамасининг 7 июндаги №469 сонли қарори ўз Фейсбук саҳифасида билдирганидек бекор қилинганми-йўқми каби саволлар номаълумлигича қолди. Бундан ташқари, ҳали мактаб ўзига нима асосда ҳудуд бириктирилишини билмайди, лекин ҳокимликлар унга бириктирилган ҳудудни бемаълос тасдиқлай олади. Сотиб олинмаган буюкни арқон билан боғлашга уриниш эмасми бу?

Таассуфки, брифингга талайгина масалалар очик қолди. Жумладан, йўлланмаси бор ва соғлиғи жойида болани мактабга қабул қилиш шартлиги, уни рад этиш қонунга зид эканлиги бирор жойда белгиланмагани, рўйхатдаги 1-синф тўлови мактабдор коррупцияга қарши курашда самара берадими-йўқми, бу аҳолини бой ва камбағалга ажратмайди, табақланишнинг расмийлаштириш эмасми – бу каби саволларга якуний ва тугал жавоб берилмади.

Ўзгариш яхши нарса. Бу жамиятни қотиб қолишдан, қўлмақ сувга айланишдан асрайди. Аммо ҳар бир ўзгаришда мантиқ ва миллий манфаат устувор бўлиши шарт. Ҳар бир ўзгариш аҳолининг ҳуқуқини ҳимоя

қилиши керак, унга дахл қилиши эмас! Рўйхатдаги мактаблар эса, вазири зид эмас дегани билан, бизнинг бепул таълим олиш ҳуқуқимиз (ЎЗР Конституцияси, 41-модда)га зид. Чунки бу мактабларга болаларни бериш ихтиёрий, аммо қабул қилиниши тўловли. Халқ таълими вазири Ш.Шерматов тўловли таълим ҳали ишланаётган жараён экани, бу таклиф асоратсиз ва самарали ишлаши учун чоралар ишлаб чиқилганлиги, ҳатто тизим шаффофлиги таъминланса, бу таклиф бекор бўлиши ҳам мумкинлигини билдирди. Қўлаб саволлар берилмай ва очикланмай қолганига қарамай, мазкур брифинг қалбда умид уйғотди. Чунки яқин-яқинга қадар давлат ташкилотларининг ОАВ вакиллари билан бундай учрашуви, журналистларнинг очик ва кескин эътироз билдиришлари сийрак ҳол эди. Вазирилик мулоқотга очиклигини кўрсатиш билан таълим тизимида кетма-кет йўл қўйган камчиликларини тузатиш имкони ҳали мавжудлигини тасдиқлади. Яна оғзи куймаслигига қўмақлашиб, керак бўлса, йўл қўймаслик тўртинчи ҳокимият қўлидадир.

Муҳайё ИСМОИЛОВА
«ISHONCH»

МУАССИС:



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бosh муҳаррир
Хўсан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касабаси уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz
Газета ҳафтаининг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. **Қорхона манзили:** Буюк Тўркан кўчаси, 41-уй.

Баҳоис келишилган нархда.

Таҳририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001,

АТИБ «Iprotka bank» Яшновод филиали,
Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон
Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-25
Наманган – (+998-99) 889-90-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-90-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-90-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

Навбатчи муҳаррир:

Т. Шернаев

Мусахҳиш:

З. Исмоилов

Саҳифаловчи:

Ҳ. Абдуҷафиллов

ЎЗА яқини – **22:40**

Топширилди – **03:30**

Газета офсет усулида,

А-2 форматда босилди.

Ҳажми 2 босма табак.

Буюртма **Г – 617**.

30082 нусхада босилди.

Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 6